

ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Джуманиязова Мўътабархон Равшанбековна
Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти
ORCID: 0009-0003-0199-0261

Аннотация. Мақолада тўқимачилик корхоналарида бизнес жараёнларни бошқариши
самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш масаласи ўрганилган.

Ключевые слова: жараён, бизнес жараён, бошқариш, самарадорлик, усул, баҳолаш.

РАЗРАБОТКА МЕТОДИКИ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ БИЗНЕС- ПРОЦЕССАМИ НА ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Джуманиязова Мўътабархан Равшанбековна
Ташкентского института текстильной
и легкой промышленности

Аннотация. В статье рассматривается вопрос совершенствования метода
оценки эффективности управления бизнес-процессами на предприятиях текстильной
промышленности.

Ключевые слова: Процесс, бизнес-процесс, управление, эффективность, метод,
оценка.

THE METHOD OF EVALUATING THE EFFICIENCY OF BUSINESS PROCESS MANAGEMENT IN TEXTILE ENTERPRISES DEVELOPMENT

Djumaniyazova Mo'tabarkhan Ravshanbekovna
Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Annotation. The article examines the issue of improving the method of assessing the
effectiveness of business process management in textile enterprises.

Key words. Process, business process, management, efficiency, method, evaluation.

Кириш.

Жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг талаби янада ошиши
оқибатида иштирокчилар ўртасида рақобат тобора кескинлашиб бормоқда. Саноат
корхоналари ишлаб чиқариши реконструкция қиласдан, замонавий илғор
технология билан жиҳозламасдан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини
янгиламасдан туриб, уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш
мумкин эмас.

Шунингдек, мавжуд барча ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишда бизнес жараёнларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш ҳам мамлакатимиз тўқимачилик саноатини ривожлантириш ҳамда экспортбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбай бўлмоғи керак. Шу боисдан, тўқимачилик корхоналари асосий ишлаб чиқариши бизнес жараёнларини бошқариш самарадорлигини холисона баҳолаш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги вақтда «бизнес жараёни» тушунчасига кўплаб таърифлар мавжуд. Уларнинг барчаси бизнес жараёнини турли нуқтаи назардан тавсифлайди. Умуман олганда, ҳозирда мавжуд бўлган барча таърифларни икки групга бўлиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг биринчи груп (Девенпорт, 2013; Хаммер, 2016) «бизнес жараёни» тушунчасини мустақил бирлик сифатида кўриб чиқадилар (Андерсен, 2013), иккинчиси (Порттер, Шеер, Жигунова, Логинов, ИСО 9001:2000 стандарти услубиёти) - «жараён» тушунчаси орқали ва кейинчалик уни бевосита «бизнес жараёни»да янада аниқлаштириш. Айрим муаллифлар «бизнес жараёни» ва «лойиҳа» тушунчаларини бирбирига тенглаштирадилар (Калянов, 2019).

Реинжииниринг жараёнининг асосчиси Хаммер (2016)нинг таъкидлашича: «бизнес-жараён - бу истеъмолчи учун қимматли бўлган натижани яратувчи (янги маҳсулотни ишлаб чиқиш) биргаликда олиб бориладиган жараёнлар мажмуидир».

Бошқа бир тадқиқотчи Девенпорт (2013)нинг фикрича, «жараён деганда вақт ва маконда мавжуд бўлган, уларни амалга оширишнинг бошланиши ва охири, кириш ва чиқишдаги ресурслар белгилаб қўйилган муайян тартибланган ишлар, ҳаракатлар мажмую» тушунилади.

Тадқиқот методологияси.

Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуслардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар мұхокамаси.


Бизнес жараёнлари самарадорлиги кўрсаткичлари масаласи бўйича иқтисодий адабиётларни кўриб чиқиши кўрсаткичлар таркибига ягона ёндашув йўқлигини кўрсатди.

Сўнгги йилларда корхоналарда жараёнли ёндашувни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва юқорида айтиб ўтганимиздек, бошқарувни жараён нуқтаи назаридан кўриб чиқиш аниқ бўлди. Корхона бошқарувини баҳолашнинг мавжуд ёндашувларида, бизнинг фикримизча, мураккаблик тамоили мавжуд эмас, улар бутун жараён ҳақида эмас, балки унинг алоҳида жиҳатлари ҳақида маълумот олишга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, бошқарув жараёнининг самарадорлигини баҳолаш тизими объектив ва субъектив кўрсаткичларни (бошқарув ходимларининг сўрови натижасида олинган маълумотлар) ўз ичига олиши керак, бу бошқарув ишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади (1-расм).

Бизнинг фикримизча, бизнес-жараёнларни баҳолашнинг қиймат, сифат, тезлик ва таркиб каби параметрлари корхона фаолияти натижадорлигини ошириш учун энг катта аҳамиятга эгадир.

Бизнес жараёнларини баҳолашнинг мавжуд тизимларини таҳлил қилиш асосида биз корхонанинг бизнес-жараёнлари самарадорлигини баҳолаш учун мўлжалланган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқдик.



1-расм. Саноат корхоналари бизнес жараёнлари самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлари тизимини шакллантиришга ёндашув¹³²

Ҳар бир самарадорлик мезони (корхона фаолияти самарадорлиги, бошқарув ишини ташкил этиш ва бошқалар учун интеграл кўрсаткични аниқлашда)га кўра ҳар бир кўрсаткич учун вазн коэффициенти ўрнатилди. Вазн коэффициенти бошқарув мутахассислари гуруҳида (PC , PQ , PV , PS ва бошқалар) кўрсаткичнинг аҳамияти бўйича сўровнома асосида аниқланди. Таъкидлаш жоизки, қиймати 0,74 бўлган конкордация коэффициентини ҳисоблаш асосида мутахассисларнинг фикрлари бир-бирига мос келади, деган холосага келинди. Бу, ўз навбатида, 1-формуладан фойдаланиб, гуруҳдаги комплекс кўрсаткични (PC , PQ , PV , PS ва бошқалар), сўнгра 2-формуладан фойдаланиб, ҳар бир самарадорлик мезони учун интеграл кўрсаткични аниқлаш имконини берди (Варковецкий, 2016). Шунингдек, интеграл кўрсаткичлар ҳақиқий ($K_{i(h)}$) ҳамда ҳисоблаб чиқилган ва тавсия этилган қийматлари ($K_{i(r)}$) асосида ҳисобланади:

$$R_g. = \sum_{i=1}^n \left(\frac{K_i}{K_{max}} \right)^{L_i} \quad (1)$$

¹³²Муаллиф ишланмаси.

бу ерда, R_g – гурухлар умумий кўрсаткичи;

K_i – кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

K_{max} – корхона фаолияти шароитида кўрсаткичнинг мумкин бўлган максимал қиймати;

L_i – гурухдаги кўрсаткичнинг вазн коэффициенти (PC, PQ, PV, PS ва бошқалар).

Бизнес-жараёнларни такомиллаштириш натижасида мезонларга кўра гурухлар самарадорлиги интеграл кўрсаткичи қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R_{um.} = \sqrt[n]{\sum_{i=1}^n \left(\frac{K_i}{K_{i(r)}}\right)^{L_i}} \quad (2)$$

бу ерда, $R_{um.}$ – самарадорлик мезонига мувофиқ интеграл кўрсаткич;

n – жараён параметрлари сони ($n=4$);

L_i – параметрлар бўйича комплекс кўрсаткичнинг вазнли коэффициенти ($L_1 = L_2 = L_3 = L_4$).

Ҳисоб-китоблар натижасида «ASAKATEKSTIL» МЧЖ учун биз қуидаги интеграл кўрсаткичлар қийматларига эга бўлдик:

- «корхонанинг фаолияти натижадорлиги (бошқариладиган жараён натижадорлиги каби)» мезонига кўра:

$$K_{i(h)} = 0,927; K_{i(r)} = 0,960.$$

- «бошқарув ишини ташкил этиш» мезонига кўра:

$$K_{i(h)} = 0,812; K_{i(r)} = 0,923.$$

- «бошқарув ресурсларидан фойдаланиш» мезонига кўра:

$$K_{i(h)} = 0,780; K_{i(r)} = 0,891.$$

- «бошқарув жараёнини ривожлантириш» мезонига кўра:

$$K_{i(h)} = 0,825; K_{i(r)} = 0,952.$$

Бизнес жараёнларини жадаллаштиришнинг ҳозирги тенденцияси билан боғлиқ ҳолда корхонада биз интеграл кўрсаткичларни баҳолаш учун прогрессив шкалани ишлаб чиқдик:

0-0,30 - «паст» даражা;

0,31-0,50 – «ўрта» даражা;

0,51-0,70 – «яхши» даражা;

0,71-0,85 – «юқори» даражা;

0,86 ва ундан баланд «жуда юқори» даражা.

Ушбу шкалага кўра «ASAKATEKSTIL» МЧЖда бизнес жараёнларни бошқариш самарадорлиги «жуда юқори даража»да бўлган.

Хулоса ва таклифлар.

Тикув-трикотаж корхоналарида бизнес жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун қуидаги таклифларни берамиз:

тикув-трикотаж корхоналарида бизнес жараёнларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга муваффақиятли жорий этиш;

тикув-трикотаж корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятидаги асосий бизнес жараёнларни гурухлаштириш ва улар тавсифини келтириш;

тикув-трикотаж корхоналарида бизнес жараёнларни бошқариш самарадорлигининг самарали мониторинг тизимини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналари бизнес-жараёнларини узлуксиз ривожлантириш учун диагностика қилиш ташкилий механизмини такомиллаштириш;

тўқимачилик корхоналарида бошқарилувчи тизимга бошқарувчи таъсирининг мазмuni, хусусиятлари ва механизмини акс эттирадиган бизнес-жараёнларининг ўзаро

алоқасини юритишнинг янги шаклдаги вазифавий ёндашувдан жараёнли ёндашувга ўтувчи бошқарув таркибий тузилмаси шакллантириш ҳамда унга мос бошқариш механизмларини ишлаб чиқиши;

тўқимачилик корхоналарида бизнес жараёнларини диагностика қилиш ва прогнозлашнинг компьютерлаштирилган тизимини ишлаб чиқиши орқали жараёнларни бошқариш технологияси такомиллаштириши;

тўқимачилик корхоналари бизнес-жараёнларини узлуксиз ривожлантириш учун диагностика қилиши, услугий таъминот, прогнозлаш, бошқарув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашни қўллаш таклифи асосида бошқаришнинг вазифавий ёндашувдан жараёнли ёндашувга ўтишини таъминлаш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Davenport T.H. (2013). *Process innovation: reengineering work through information technology / T. H. Davenport.* – Boston ; Mass : Harvard Business School Press. – 337 p.

Андерсен Б. (2013). *Бизнес-процессы. Инструменты совершенствования / Б. Андерсен; пер. с англ. С.В.Ариничева науч. ред. Ю.П. Адлер.* – 165 с. - Москва: Стандарты и качество. – 271 с.

Варковецкий М.М. (2016). *Количественное измерение качества продукции в текстильной промышленности / М.М. Варковецкий.* – М.: «Лёгкая индустрия». – 104 с.

Калянов Г.Н. (2019). *Теория и практика реорганизации бизнес-процессов / Г. Н. Калянов.* – Москва: СИНТЕГ. – 203 с.

Хаммер М. (2016). *Реинжиниринг корпорации: манифест революции в бизнесе / М. Хаммер Д. Чампи; пер. с англ. Ю. Е. Корнилович.* – Санкт-Петербург: Манн, Иванов и Фербер. – 332 с.